

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

2022 й. «25» 7

399-12-217-ХТ/2022-
сон Хива

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Хива шахар ХТБ» номидан низом асосида иш юритувчи, раҳбари **З.Рахимова** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Хива Гулшан таъмир» МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари **Н. Хасанов** иккинчи томондан «Хива шахар ХТБ» га қарашли З-сон ўрта мактаб биноси (ташқи қисми ва забор) ни жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

-ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлигги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

-курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

-вактингчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар;

-беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-шартнома нархини булиб чикиш – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик «Хива шахар ХТБ»га қарашли З-сон ўрта мактаб биноси (ташқи қисми ва забор) ни кузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган холда жорий нархларда **57 595 799** (Эллик етти миллион беш юз тўқсон беш минг етти юз тўқсон тўққиз) сўмни ташкил этади:

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
 - ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартырилганда;
 - объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатта узгартырилганда.
5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
 - курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
 - курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;
 - курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;
 - курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
 - мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бушатиш;
 - курилиш майдони курикланишини таъминлаш;
 - курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бүртмачига тақдим киласи.
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га teng булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим киласи.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

V. Томонларнинг коррупсияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши курашиш бўйича коидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кабул қилинишини кафолатлайди.

5.2. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар йузага келганды дархол ёзма равища (електрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар йузага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига ега ва мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

5.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион ҳавф-хатар бартараф етилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига ега ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

VI. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул қилиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни кабул қилиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи тулик мулкий жавоб беради.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни 2022-йил 4-августда фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VIII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс утказади, бу **17 278 739.70 (Ўн етти миллион икки юз етмиш саккиз минг етти юз ўттиз тўққиз)** сум **70 тийинни** ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хак тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

IX. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни х^аз килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулайди.
30. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугалланг'унгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боялик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс этирилади.
- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.
- Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

X. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енги булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиха хужжатларида хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларида мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларида хамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларида мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиши муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлами даалолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини даалолатномада курсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боялик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечикирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларида мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боялик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

конун хужжатларида мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг күшма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулади.

38. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор килинган такдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулади.

40. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгаришилар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
53. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечикиришига хаклидир.
54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тугрисида узгаришилар киритилса кайта куриб чикилади.
55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.
56. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликдан руйхатдан утгандан кейин юридик кучга киради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал киласиди.
57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булиб 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

«Хива Гулшан таъмир» МЧЖ

Манзили: Хива ш. Кўхна Хива кўчаси 335 уй

Тел/факс : +998 91 570 56 46

х/в : 202080004050493332001

Банк номи : Микрокредитбанк Хива филиали

МФО : 00578 СТИР : 306304383

ОКОНХ : 61110

БУЮРТМАЧИ:

«Хава шахар ХТБ»

Манзил: Хива шахар Р. Мажидий 12

Тел/факс 377 65 72

х/в 100022860334067092100075021

бюджетдан маблаг олувчи СТИР и 305073143

ОКОНХ 84112

Газн. бўлими номи: Молия Вазирлиги Газначилиги

Газна х/в 23402000300100001010


Банкнинг номи Марказий Банк Тошкент

МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР и 201122919

Рахбар

Н. Хасанов



Рахбар

З. Рахимова



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№

1. Loyiha turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

Xiva shahar xalq ta'limi bo'limi va "Gulshan ta'mir" MCHJ o'rta sidagi 3-son umumiy o'rta ta'lim məktəb binosini joriy ta'minlash bo'yicha pudrat shartnomasi loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Xiva shahar xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 21-iyul kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



M.Rustamov

2022-yil 22-iyul

Хива шахар ХТБ га қарашли 3-сон мактаб биноси (ташкى кисмни ва забор) ни жорий таъмирлаш бўйича "Хива Гулшан тамири" МЧК ойлар давомидан бажариш графиги

(Минг сўн)

2022 йил учун молизлаштириш киймати											
Тип	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	1-чорак			2-чорак			3-чорак		
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр
1	2		3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Хива шахар ХТБ га қарашли 3-сон мактаб биноси (ташкى кисмни ва забор) ни жорий таъмирлаш ишлари	57 595,799							57 595,799	12	13
										14	15



Хива шахар ХТБ та карашли 3-сон мактаб биноси (ташкы кисми ва забор) ни жорий таъмидлапаш буичча "Хива Гулшан тамир" МЦДК
ойлар давомидда молиялаштириши графиги

2022 йил учун молиялаштириш киймати											
Тип	Объект номи ва манзими	Хажм бирлигининг киймати	1-чорак			2-чорак			3-чорак		
			Январ	Феврал	Март	Апрель	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр
1	2	Хива шахар ХТБ та карашли 3-сон мактаб биносими (ташкы кисми ва забор) ни жорий таъмидлапаш ишлари	3	4	5	6	7	8	9	10	11
		57 595,799							57 595,799		
1											

Пурдаг чу:

